



«ТАСДИКЛАЙМАН»

Тошкент вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи в.б

А.А. Каримджанов

« 5 » 08 2017 йил

Ижтимоий соҳа статистикаси бўлими НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Тошкент вилояти статистика бошқармаси Ижтимоий соҳа статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Тошкент вилояти статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Тошкент Вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим ижтимоий соҳа статистикаси масалалари бўйича фаолиятини туман статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Тошкент вилояти статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

6. Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлиғининг ўринбосарига бўйсунди.

II. Бўлимнинг вазифалари

7. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

8. Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, ижтимоий соҳа бўйича статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва нашр қилиш;

9. Бўлим томонидан тайёрланадиган статистик маълумотларнинг сифатини яхшилаш бўйича доимий иш олиб бориш;

жамланма ҳисоботлар асосида олинган маълумотларни бирламчи статистик таҳлилини амалга ошириш;

10. Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишларни белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича яқка тартибдаги статистик маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш.

11. Бўлим ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга оширади:

12. Давлат статистикаси тамойилларига ва халқаро стандартлар ва қоидаларга мос келувчи ягона статистика услубиятига риоя этилишини таъминлаш;

давлат статистика ишлари Дастурига мувофиқ ижтимоий соҳа статистикаси бўйича статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, тайёрлаш ва умумлаштириш, шунингдек ушбу жараёнларнинг сифатини ошириш ва такомиллаштириш бўйича зарурий ишлар олиб бориш;

13. Ижтимоий соҳа статистикаси бошқармаси билан биргаликда белгиланган кўрсаткичлар рўйхатига асосан маърузалар ва статистик тўпламлар учун, халқаро ташкилотлар учун, шунингдек раҳбарият топшириғи бўйича турли маълумотларни тайёрлаш;

14. Давлат статистика қўмитаси ижтимоий соҳа статистикаси бошқармаси билан ҳамкорликда тайёрланадиган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш;

15. Статистик маълумотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш.

III. Бўлимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16. Бўлим статистиканинг ягона илмий услубияти асосида статистик маълумотларнинг сифатлилигини йўлга қўйиш ва оширишга, статистик, таҳлилий ва ўз ваколати доирасидаги бошқа материалларнинг савиясига жавобгардир.

17. Бўлим ходимлари ҳисобот тақдим этувчиларнинг яқка тартибдаги маълумотларининг махфийлигини таъминлашга, келиб тушувчи ва чиқувчи материаллар бўйича давлат ва тижорат сирларини сақлашга жавобгардир.

18. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

19. Тошкент вилояти статистика бошқармаси раҳбариятига давлат статистика ишлари дастури таркиби ва мазмуни бўйича таклифлар киритиш;

белгиланган ҳажм ва муддатларда юридик, жисмоний шахслар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан давлат статистика ҳисоботларини олиш ва статистик мақсадларда фойдаланиш;

давлат бошқаруви органларидан ва бошқа ташкилотлардан ёки уларнинг ваколотхоналаридан давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

20. Бўлимга юклатилган вазифаларни бажаришда зарур бўлган маълумотларни шаҳар статистика бошқармасининг бўлимларидан, туман статистика бўлимларидан олиш;

21. Давлат статистика ҳисоботларида хатоликлар аниқланган ҳолатда, уларни

бартараф этиш ва статистик маълумотларга тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича кўрсатмалар бериш;

22. Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича корхоналар ва ташкилотларнинг вакиллари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш.

23. Бўлим ходимлари Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда бошқарма бошлиғи томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Бўлим бошлиғи томонидан бошқарилади.

24 Бўлим бошлиғи:

Бўлимнинг барча фаолиятини бошқаради ва бажарилиши лозим бўлган юклатилган ишларга, мажбуриятларга, ижро ва меҳнат интизоми ҳолатига жавобгарликни, шунингдек меҳнат жамоасидаги маънавий ва руҳий муҳитга шахсий жавобгарликни олади;

Бўлимни кадрлар билан тўлдириб бориш ва Бўлим ишининг самарадорлик даражасини ошириш бўйича чоралар кўради;

қўйилган вазифалар, бўлимга кирувчи ҳужжатлар назорати ва иш жараёнида тажриба алмашиш бўйича бўлим ходимлари билан йўриқнома тарзидаги йиғилишлар ўтказиши;

иш юритиш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишининг қатъий назорати бўйича ишларни ташкил этади, ишга оид бўлган ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ўрнатилган тартибга ходимларнинг амал қилишини таъминлайди.

Бўлим бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бўлим ходимлари ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш ва уларнинг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш;

ходимларни лавозимини ошириш, жойини ўзгартириш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазо чораларини қўллаш бўйича таклифлар киритиш;

Бўлимнинг юқори малакали ходимлари лавозим маошларига алоҳида устамалар кўшиш, шу билан бирга, илгари ўрнатилган устамаларни камайтириш ва бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш;

Бўлим ишларини такомиллаштириш, шунингдек ҳисобот, ижро ва меҳнат интизоминини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

идоралар, корхоналар ва ташкилотлар билан бўлим ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилишда вилоят статистика бошқармаси номидан иш юритиш;

Бўлимга келиб тушувчи ва чиқувчи маълумотлар бўйича давлат ва тижорат сирларини сақланишини таъминлаш.

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва баён топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича Давлат статистика қўмитаси ва ҳудудий бўлинмаларининг таклифларини умумлаштиради;

амалдаги статистика методологиясини такомиллаштириш ва статистик инструментариини тайёрлаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

тегишли функционал масалалар бўйича статистик инструментарийнинг (ҳужжатлар, кузатув шакллари, таснифлагичлар, метамаълумотлар ва ҳ.к.) тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг юритилишини, уларнинг доимий равишда тўлдирилишини ва янгиланишини таъминлайди;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича марказий аппарат бўлинмаларига ва ҳудудий статистика органларига амалий ёрдам кўрсатади;

ҳудудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

касбий малака даражасини тизимли равишда ошириб боради;

жамоанинг меҳнат фаолиятига фаол иштирок этади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

25 Бўлим бош мутахассиси:

Функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича Давлат статистика кўмитаси ва ҳудудий бўлинмаларининг таклифларини умумлаштиради;

тегишли функционал масалалар бўйича статистик инструментарийнинг (ҳужжатлар, кузатув шакллари, таснифлагичлар, метамаълумотлар ва ҳ.к.) тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг юритилишини, уларнинг доимий равишда тўлдирилишини ва янгиланишини таъминлайди;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича марказий аппарат бўлинмаларига ва ҳудудий статистика органларига амалий ёрдам кўрсатади;

ҳудудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

касбий малака даражасини тизимли равишда ошириб боради;

жамоанинг меҳнат фаолиятига фаол иштирок этади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.